2008 ЙИЛ, 23 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 98 (11.159) | Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**●«Умумжаҳон Биохилла-хиллик куни» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлар уюшмасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда илмий-амалий семинар ўтказилди.**

**●Тошкентда Европа кунлари ва Латвия Республикаси мустақиллиги эълон қилинган санага бағишлаб мусиқий кеча уюштирилди. Унда латвиялик бастакорлар томонидан яратилган камер опера куйлари ижро этилди.**

**●Тошкентда Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларида таназзулга учраган ерларда экотизим барқарорлигини таъминлашга оид лойиҳанинг тақдимоти ўтказилди.**

**●Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларидаги мактаб, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида «Биз бир жамоамиз» акцияси ташкил этилди.**

**●Жиззахда «Замонавий техника ва технологияларнинг долзарб муаммолари» мавзуида анжуман ўтказилди. Мамлакатимиздаги 16 та техника олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари қатнашган ушбу тадбирда химия, озиқ-овқат, автомобиль, қурилиш, йўл қурилиши саноатида техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, илмий тадқиқотларни амалга ошириш хусусида маърузалар тингланди.**

**●Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Ижтимоий суғурта комиссияси иш фаолияти: тажриба ва муаммолар» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

**●Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти фани бўйича республика олимпиадаси ташкил этилди.**

**●Ангрендаги 29-умумтаълим мактабида ўтказилган ҳудудий семинар республика Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланди. Тадбир доирасида китоб хайрия марафони ҳам ташкил этилди.**

## ЖАҲОНДА

**●Кеча БМТ бош котиби Пан Ги Мун Мьянмага ташриф буюрди. Ташриф давомида Бош котиб мамлакат раҳбарлари билан «Наргис» тўфонидан жабрланган аҳолига халқаро ёрдамларни жалб этиш масаласи бўйича музокаралар ўтказмоқда.**

**●Грузияда бўлиб ўтган парламент сайловининг дастлабки натижалари маълум қилинди. Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, амалдаги «Ягона миллий ҳаракат» партияси 62,84 фоиз овоз билан рақибларини ортда қолдирмоқда. Хорижий кузатувчилар Грузия парламент сайловида жиддий қонунбузарлик содир этилмаганлигини такидлашмоқда.**

**●Кеча Нигерия шимолида улкан йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Ҳарбийларни олиб кетаётган машиналардан бири ёнилғи ташийдиган автоулов билан тўқнашиб кетган. Кучли портлаш оқибатида 43 нафар ҳарбийнинг ҳалок бўлганлиги айтилмоқда.**

**●Кеча Италиянинг Неапол шаҳрида Сильвио Берлускони бошчилигидаги ҳукумат ўзининг дастлабки мажлисини ўтказди. Унда ушбу шаҳарда йиғилиб қолган чиқиндилар муаммосини бартараф этиш, ноқонуний муҳожирлик ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.**

**●Франциянинг жанубий-ғарбида жойлашган Бордо шаҳрида баскларнинг ЕТА террорчилик гуруҳининг етакчиси Хавьер Лопес-Пения ва уч нафар шериги француз ва испан полициячиларининг ҳамкорликда ўтказилган операцияси чоғида ҳибсга олинди.**

**●Олимпиада машъаласининг Сичуань провинциясидаги эстафетаси бошқа муддатга қолдирилди. Бу ерда содир бўлган ҳалокатли зилзила туфайли эстафета июль ойидан 3-5 августга кўчирилганлигини олимпиада ўйинларининг ташкилотчилари маълум қилди. Аслида мазкур тадбирнинг 15-18 июль кунлари ўтказилиши режалаштирилганди.**

**●Колумбия пойтахти Богота шаҳрида 19 кишининг гаровга олиниши муносабати билан юз берган нохуш воқеа ижобий якунланди. Осколкали граната билан қуролланган, 19 кишини гаровга олган жиноятчи полиция ёрдамида қўлга олинди. Ҳозирда ушбу воқеа сабаблари аниқланмоқда.**

**●Чехияда ракета зарбаларига қарши турувчи АҚШ мудофаа тизими ўрнатилади. Чехия ҳукумати бу борада якуний қарорга келди ва чех-америка келишуви имзоланди. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Мирек Тополанек расмий маълум қилган. Келишувларни ратификация қилиш ҳужжатлари парламентга тақдим этилган.**

**●Франциянинг Арль шаҳри ҳудудидаги Рона дарёси тубидан таниқли Рим саркардаси Юлий Цезарнинг мармардан ясалган бош қисми ҳайкали топилди. Тахминларга кўра, бу бугунги кунда Цезарнинг ҳаёти чоғида тайёрланган энг қадимги ҳайкалтарошлик тасвиридир. Унинг ясалган вақти эрамизгача бўлган 46 йилни ташкил этиши мумкин. Айнан ўша йилда Юлий Цезарь томонидан Арль шаҳрига асос солинганди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ КЎРГАЗМАЛАР ПАВИЛЬОНИДА АЙНИ ЁЗ ФАСЛИ – ДАМ ОЛИШ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ, ТАЪТИЛЛАР МАВСУМИДА «СПОРТ. ҲОРДИҚ. ҲАММА УЧУН ТОВАРЛАР» БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ УШБУ ТАДБИР ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ҲИСОБЛАНИШАДИ.**



*Кўргазмалар*

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛМОҚДА

Кўргазма стендларидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, корхона, ташкилот, фирма, агентликларнинг сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ўз аксини топган. Шунингдек, — Россия давлатининг масалан, «Алтай парк» ишлаб чиқариш корхонасининг болажонларимиз учун (маданият ва истироҳат боғлари болалар майдончаларига мўлжалланган) замонавий, қулай, ёрқин рангларлардаги аттракционлари; «Оптосиб», «Ресурс-Н» масъулияти чекланган жамиятларининг ҳам ўзига хос маҳсулотлари ташриф буюрувчиларда яхши таассуротлар қолдириши табиий.



Бундан ташқари, бежирим, кўркам, экологик тоза матолардан ёз мавсумида дам олиш, спорт билан шуғулланиш, саёҳатларга кийиладиган чидамли тикилган кийим-кечаклар, пойабзалларнинг энг замонавийлари Покистон давлатининг «TALON Sports» ҳамда «MATSA Sports» компаниялари вакиллари томонидан тақдим этилаётганини башанг безакланган стендларда кўриш мумкин. Шунингдек, машҳур компанияларнинг спорт билан шуғулланувчилар (спортчилар ҳамда соғлиғини тикловчилар, умуман қизиқувчиларга мўлжалланган) учун тренажёрлар, турли хилдаги спорт анжомлари ҳамда чарм коптоклари ташриф буюрувчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

— Кўргазмада қатнашаётганимиздан жуда мамнунман, — дейди «TURAN TEX» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси Улуғбек Ғуломов. — Боиси биринчи кунданоқ бир нечта лойиҳалар бўйича шартномалар тузишга эришдик. Бу каби тадбирларда албатта, янги ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилади. Трикотаж матоларини бўяш ҳамда гул босишга ихтисослашган корхонамиз томонидан ҳозирда замон талаблари асосида ишлаб чиқаришни йилдан йилга модернизациялаш ҳисобига (янги замонавий технологиялар қувватига таянган ҳолда) янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса давлатимиз томонидан кичик корхоналар, хусусий бизнес субъектларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолат туфайлилигини алоҳида таъкидламоқчиман.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: 1-халқаро кўргазмадан лавҳалар**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (ЕИ) ЎРТАСИДА ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Болгария ва Руминия Республикаларининг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириши муносабати билан жорий йилнинг 20 майида Брюссель шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим учун протокол имзоланди.

Европа томонидан ЕИ сафини кенгайтиришга оид протоколни Словениянинг ушбу ташкилот ҳузуридаги доимий вакили ва элчиси И.Сенчар (ЕИ аъзо-давлатлари номидан), Европа Ҳамжамияти Комиссияси (ЕҲК) Ташқи алоқалар бўйича бош директорати раҳбари Э.Ландабуру (Европа Ҳамжамияти номидан), Ўзбекистон томонидан эса юртимизнинг Европа Ҳамжамиятлари ҳузуридаги элчиси И.Мустафоев имзолади.

Протокол Иттифоқнинг янги аъзо-давлатлари — Болгария ва Руминия ҳисобига 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим қоидаларининг амал қилиниш доирасини кенгайтиради. Шунингдек, ҳужжат ЕИ доирасида юртимизнинг ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

И.Сенчар ҳужжатни имзолаш маросими олдидан сўзлаган нутқида Европа Иттифоқи Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик масаласига муҳим эътибор қаратаётганини таъкидлади. Шунингдек, Словениянинг ЕИ Кенгашига раислиги даврида ушбу ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар сезиларли даражада ривожланганини қайд этди.

Ўз навбатида, ЕҲКнинг Ташқи алоқалар бўйича бош директорати раҳбари Э. Ландабуру ЕИ Ўзбекистон билан барча йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта қизиқиш билдираётганини маълум қилди. У 2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиниши ва «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши борасидаги қарорларга ижобий баҳо берар экан, Европа Ҳамжамияти Ўзбекистон Республикаси билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорликни янада фаоллаштиришга ҳамда уни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этди.

**«Жаҳон» АА**
**Брюссель шаҳри**

## Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Камалак» халқ рақс дастасининг концерт дастури кўриги туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

●**БУГУН** Миробод туманида шаҳримиздаги мусиқа мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» кўрик-танловининг туман босқичи туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

●**КЕЧА** Авиасозлар маданият саройида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда «Халқ бадиий-ҳаваскорлик жамоаси», «Намунали бадиий жамоа» ва «Халқ ҳаваскорлик студияси» номларига сазовор бўлган бадиий жамоаларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди, концерт дастури намойиш этилди.

●**БУГУН** Сергели туманидаги «Ёшлик» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Ёшлар – ОИТСга қарши» деб номланди.

●**РЕСПУБЛИКА** тасвирий ва амалий лицей-интернатида ЭРТАГА Ёшлар йилига бағишлаб уюштириладиган «Сўнгги қўнғироқ» тадбири доирасида 20-Меҳрибонлик уйи негизида махсус санъат мактаби ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан лицей фахрийлари ва собиқ битирувчиларнинг учрашуви ўтказилади.

●**КЕЧА** Тасвирий санъат галереясида очилган рассом Александр Туриннинг асарлари кўргазмаси «Тараққиёт, давр, макон, муҳит» деб номланди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## ПОЙТАХТИМИЗ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009, МАЙ ТОШКЕНТ

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда олимлар, ўқитувчилар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори Д.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, тарихимизни холис ва ҳаққоний ўрганиш, ундан ёшларни истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур ва ифтихори бўлмиш Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори пойтахтимиз тарихини мукаммал ўрганишда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда ушбу қарор Тошкентнинг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади.

Юбилей муносабати билан пойтахтимиздаги тарихий обидалар ва ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш, янги замонавий бинолар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, олим ва мутахассислар иштирокида маҳаллаларда, таълим даргоҳларида, маънавият-маърифат масканларида, хотин-қизлар қўмиталарида илмий анжуманлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Анжуманда пойтахтимиз ва унга яқин ҳудудлардаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш, тадқиқ этиш, асраб-авайлаш борасидаги ишларга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

## ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**"ЁШЛИК" ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА "ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ демократик партияси вакиллари, турли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар раҳбарлари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг раҳбари А.Рустамов, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Р.Чориев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёнида ёшлар истиқболи ва камолотига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ушбу мақсадга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниб, "Ёшлар йили" Давлат дастурининг қабул қилингани ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи ва суянчига айлантиришда яна бир муҳим омил бўлди. Дастурда ёш авлод манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид мавжуд масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, бу йўналишдаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга оид устувор вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда юртимиздаги барча вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари томонидан дастурда кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар қалби ва онгига Ватан тақдири, эртанги куни учун масъулият ҳиссини янада чуқурроқ сингдиришга юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани эътиборлидир.

Давра суҳбатида мазкур давлат дастури ижросини таъминлашга доир вазифалар, бу борада келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

